



ISSUES OF ENSURING RELIABILITY OF DOCUMENTED INFORMATION

Anvarjon Orifjonovich Aliev

Head of Information Service, Researcher

Agency "Uzarchive", National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: information, document, electronic document, electronic copy of document, document storage, document reliability, archive, electronic archive.

Received: 02.07.24

Accepted: 04.07.24

Published: 06.07.24

Abstract: In this article, it is an informational text documented by the author regardless of the origin, formation, text of the document, and the fact that it has not been altered or falsified. and based on the requirements to remain unchanged in terms of content, postulates have been developed that apply to any document. "When using modern electronic documents, especially taking into account the unique features of the systematization of information collected in the search system of the electronic document array or database, a new definition of the term "Document" was developed by the author. Based on these aspects, a proposal for the use of improved levels of reliability of continuous use of archive documents over time has been developed.

ЎУЖЖАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Анваржон Орифжонович Алиев

Ахборот хизмати раҳбари, тадқиқотчи

“Ўзархив” агентлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ахборот, ҳужжат, электрон ҳужжат, ҳужжатнинг электрон нусхаси, ҳужжатларни сақлаш, ҳужжат ишончлилиги, архив, электрон архив.

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф томонидан ҳужжатни вужудга келиши, шакллантирилиши, матнини ўзгартирилмаганлиги, сохталаштирилмаганлигини асословчи кўрсаткичларга эга бўлиши, шунингдек, функционал вазифалари қандай

бўлишидан, тарихий босқичларининг даврийлик вақти ҳамда ахборот ташувчи воситаларнинг туридан қатъий назар хужжатлаштирилган ахборот матн ва мазмун жиҳатдан ўзгармас бўлиб қолиши талабларидан келиб чиқиб, ҳар қандай хужжат учун тааллуқли бўлган постулатлар ишлаб чиқилган. Замонавий электрон хужжатларни қўллаганда, айниқса электрон хужжатлар массиви ёки базасининг қидирув тизимида жамланган маълумотларни тизимлаштиришдаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олинган ҳолда “Хужжат” атамасига янги таъриф ишлаб чиқилган. Муаллиф томонидан архив хужжатларининг сақловдаги хусусиятлари, асосий вазифалари ва жиҳатларинидан келиб чиқиб, вақт мобайнида архив хужжатларидан давомли равишда фойдаланишнинг такомиллаштирилган ишончлилиқ даражаларидан фойдаланиш таклифи ишлаб чиқилган.

ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ ДОКУМЕНТИРОВАННОЙ ИНФОРМАЦИИ

Анваржон Орифжонович Алиев

руководитель Информационной службы, исследователь

*Агентства "Узархив", Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: информация, документ, электронный документ, электронная копия документа, хранение документов, достоверность документа, архив, электронный архив.

Аннотация: Автор в данной статье, исходя из того что документ должен создаваться, формироваться, не изменяться, не фальсифицироваться, а также, чтобы документируемая информация оставалась неизменной по тексту и содержанию, независимо от функциональных задач, периодичности, исторических этапов и типа носителя, разработал постулаты применимые к любому документу. При использовании современных электронных документов, особенно с учетом уникальных особенностей систематизации информации, собранной в поисковой системе массива или базы данных электронных документов, разработано новое определение термина «Документ». Автором разработаны предложения использования усовершенствованных

уровней достоверности непрерывного использования архивных документов в течении времени.

КИРИШ

Ахборот вақт мобайнида такрорий фойдаланишга мансуб бўлган ҳолларда ҳужжатлаштирилади.

Ахборотни ҳужжатлаштиришдан асосий мақсад – келгусида фойдаланилиши мумкин бўлган ахборотни белгиланган талаблар ва қоидалар асосида муайян олинган ахборот ташувчи воситага жойлаш ҳисобланади. Ушбу жараённинг якуни билан “ҳужжат” вужудга келади.

Ҳар қандай ҳужжат учун “Ҳаётий цикл” мавжуд бўлиб, ушбу циклни ҳужжатнинг функционалиги нуктаи назаридан қуйидаги 3 та кетма-кетликдаги босқичларга ажратилади:

- 1-босқич: Иш юритиш босқичи;
- 2-босқич: Идоравий сақлов босқичи;
- 3-босқич: Архив сақлови босқичи.

Ушбу босқичлардаги функционал вазифалари қандай бўлишидан, тарихий босқичларининг даврийлик вақти ҳамда ахборот ташувчи воситаларнинг туридан қатъий назар ҳужжатлаштирилган ахборот матн ва мазмун жиҳатдан ўзгармас бўлиб қолиши лозим. Ҳужжат ўзининг ҳаётий цикли мобайнида ахборот манбасининг ўзгармаслигини, ушбу манбанинг ҳаққоний ва асосли эканлигини, шунингдек “ҳужжат” матнини ўзгартирилмаганлиги, сохталаштирилмаганлигини асословчи кўрсаткичларга эга бўлиши талабларидан келиб чиқиб, ҳар қандай ҳужжат учун тааллуқли бўлган қуйидаги постулатлар ишлаб чиқилди:

- Ҳужжат ўзида акс этирилган ахборот белгиланган талабларга мувофиқ ҳужжатлаштирилгандан сўнг вужудга келади;
- Айнан олинган ҳужжатни шакллантиришда асос бўлган дастлабки реквизитлар сони ва тури ҳужжатнинг ҳаётий цикли мобайнида ўзгармас бўлиб қолади;
- Ҳужжатлаштирилган ахборот ҳужжатнинг ҳаётий цикли мобайнида миграция қилинишидан ва ахборот ташувчи воситанинг тури ва шакли ўзгартирилишидан қатъий назар ўзгармас бўлиб қолади;
- Ҳужжат сифатида бир вақтнинг ўзида ҳужжатлаштирилган ахборот ҳамда ахборот ташувчи воситага нисбатан қўлланиши мумкин;

Умуман олганда ҳужжат атамасининг “Ҳужжатшунослик” адабиётларида берилган таърифи унинг муҳим бир хусусиятини акс этирмаган. Адабиётларда Ҳужжат – ахборотни идентификация этувчи реквизитлар билан берилган восита сифатида таъриф берилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳужжатни тан олинмишида нафакат реквизитлар мавжудлиги, балки уларни тўғри жойлаштирилганлиги ҳам муҳимдир. Фараз қилинг, расмий хат келиб тушди. Унда имзо юқори қисмида, ундан кейин манзиллар ва охирида рамзий логотип, уни ёнида эса ташкилотни муҳри кўрсатилган. Табиийки, бу хатда имзо, муҳр бўлса ҳам уни расмий хат сифатида тан олинмайди. Чунки реквизитлар белгиланган тартибда, белгиланган жойда кўрсатилмаган. Ахборотни идентификация этувчи реквизитлар ҳужжатда акс эттирилган ахборотни матнини, мазмунини, нима ҳақиқатлигини билдира олади, яъни уни идентификация эттиради. Лекин ҳужжатлаштиришда қўлланган реквизитлар борлигини ўзи камлик қилади, бу реквизитлар ўзи учун белгиланган жойда, тўғри кўрсатилган бўлиши лозим. Бу талаб замонавий электрон ҳужжатларни қўллаганда, айниқса электрон ҳужжатлар массиви ёки базасида қидирув тизимида, жамланган маълумотларни тизимлаштиришда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда “Ҳужжат” атамасини қуйидагича бериш таклиф этилади:

Ҳужжат – жисмоний асосидан катъий назар, идентификация қилувчи ва белгиланган тартибда кўрсатилган реквизитлар билан акс эттирилган ахборот.

Ушбу таъриф анъанавий, қогоз асосдаги ҳужжатлар учун ҳам, электрон ҳужжатлар учун ҳам ҳосдир.

Ҳужжатлаштирилган ахборот, яъни ҳужжатлар учун яна бир муҳим ҳислат – ҳужжатнинг ишончлилиги, ҳақиқийлиги, айнан “ўша” ҳужжатлиги, агар архив ҳужжати бўлса – ҳақиқий манбадан олинганлиги, агар архив ҳужжатидан кўчирма бўлса асл ҳужжатдаги маълумотни айнан акс этириши тушунилади.

Ахборотнинг умумий оқими ичидан “ёлғон” ёки “рост” маълумотларнинг ажратиб олиш масаласи қадим замонларданок, мантиқ илми асосчиси бўлган қадимги юнон файласуфи Аристотелдан бошлаб, то бугунги кунгача, яъни бутунжаҳон глобаллашуви шароитида ахборот ишончлилигини баҳолаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳозирги кунгча инсоният онгини мунтазам банд этиб келган.

Мазкур муаммони ҳал қилишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай, вақт ўтиши, айниқса рақамли технологияларни шиддат билан ривожланиши, электрон ахборотларни геометрик прогрессияда ортиши билан у янада долзарб масалага айланиб, замонавий қиёфада намоён бўлмоқда. Агар бундан чорак аср

муқаддам ҳужжатни матнини ёки реквизитларини ўзгартириш алоҳида “малака” талаб этган бўлса, замонавий технологиялар билан бу ишларни амалга ошириш катта малака талаб этмайди.

Буни бир мисолда кўриш мумкин. 2000 йилларни бошида илгари Ўзбекистонда яшаган, кейинчалик Россияга кўчиб кетиб, фуқаролигини олган шахслар пенсияга чиқиш жараёнида улардан ишлаганлиги ва иш ҳақиға оид тегишли архив маълумотномаси талаб этилган бўлса, 2000 йил ўрталарига келиб Россия пенсия таъминоти хизматидан “Ўзархив” агентлигига уларга фуқаро томонидан тақдим этилган маълумотномани тасдиқлаб бериш тўғрисидаги сўровлар келиб туша бошлаган. 2014 йилдан бошлаб эса Россия пенсия таъминотига мурожаат қилган (олдин Ўзбекистонда яшаган) ҳар бир фуқарони, у тақдим этган маълумотнома шубҳа уйғотиши ёки уйғотмаслигидан катъий назар Агентликка юбориладиган норма қабул қилинган. Бунга асосий сабаб реквизитлари ва матни ўзгартирилган маълумотномаларнинг қупайиб кетганлиги бўлган.

Ахборотни ҳужжатлаштириш йўналишида тадқиқотлар муаллифи Ахборотни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилишга бағишланган китоб муаллифи И.Н.Кузнецовнинг таъкидланишича, ҳар қандай ахборотнинг ишончлиликл даражаси манбанинг ишончлиликл даражасига ва уни қасрдан олганига боғлиқ равишда тавсифланади.

Ахборот манбаининг ишончлилиги қуйидаги 5 даражада баҳоланади:

- мутлақо ишончли ва малакали;
- ишончли;
- етарли даражада ишончли эмас;
- ишончсиз;
- ноаниқ.

Архив ҳужжатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб олиб борилган таҳлилий тадқиқотлар Кузнецовнинг ушбу таснифи архив ҳужжатларидаги ахборот юзасидан тўлиқ маънодаги ишончлиликлни ифодалай олмайди. муаммо юзасидан тўлиқ ечимни бера олмайди. Юқорида қайд этилган иккинчи қисм жихатдан олганда 5 та ишончлиликл даражасини ўрнига қуйидаги 2 та ишончлиликл ҳолатини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

- Архив ҳужжати уни тасдиқловчи ишончлиликлка эга;
- Архив ҳужжати ишончлиликлка эга эмас.

Архив соҳасида ҳужжатнинг ишончлилиги қуйидаги, бир бирини тўлдирувчи ва ўзаро мантқиқий боғлиқликлда бўлган икки таркибий қисмдан иборат булади:

- Архив ҳужжати олинган манбанинг ишончлилиги;

-Архив ҳужжатидан нусха ёки кучирманинг асл ҳужжатдан олинганлиги ва унга узгартиришлар киритилмаганлиги.

Ҳар бир таркибий қисм ҳужжатга нисбатан умумий ишончни таъминлашда ўзига хос ўрин эгаллайди. Бунда биринчи таркибий қисм ҳужжатлаштирилган ахборот ўзи акс эттираётган воқелик, ҳодиса ёки жараёнга оид маълумотларни қай йўсинда ва қандай усулларни қўллаган ҳолда ишончлиликини таъминланганлигини кўрсатса, иккинчи таркибий қисм мазкур манбадан олинган ахборот ундан такрорий фойдаланиш учун тўла тўқис, маълумотлар асл манбадагидан четлашмаган, оғишмаган ва ўзгартирилмаган ҳолда тақдим этилганлигини ифодалайди.

Медиа ва ахборот саводхонлиги концепцияси умуминсоний ҳуқуқларга асосланади ҳамда айрим шахслар, жамоалар ва бутун миллатлар сўз эркинлиги ҳуқуқи ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишининг асосий шарти деб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг янги Конституциясида “Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган. Бу каби норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам кўрсатилган.

Биз замонавий ахборот ишончлилигини таъминлаш учун қуйидаги иккита шартлар гуруҳини кўриб чиқишимиз мумкин:

I. Ахборот манбаига қўйиладиган шартлар;

II. Ахборот мазмунига қўйиладиган шартлар.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнларининг ривожланиши, айниқса, иқтисодиётнинг турли тармоқларини рақамлаштириш ва электрон ахборот алмашиш тизимларини кенг жорий этиш қулай шароитлар яратишга ва тадқиқотчилар ва бошқа жисмоний ва юридик шахсларга архив маълумотларини тақдим этиш методологиясини сезиларли даражада соддалаштиришга хизмат қилди. Бироқ, бу жараёнлар билан бир қаторда, архив маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар анъанавий равишда қоғоз кўринишида тайёрланган архив маълумотларининг ишончлилиги архив ҳужжати ёки кўчирманинг индивидуал реквизитлари (рўйхатга олиш рақами ва санаси, муҳр, имзо, имзо шарҳи ва бошқалар) орқали таъминланган бўлса, электрон шаклда тақдим этилганда электрон рақамли имзо (ЭРИ) ва/ёки QR код ҳам ишлатилади.

Архив ҳужжатларининг ишончлилигини таъминлашнинг яна бир муҳим ва доимиз долзарб бўлиб қолаётган масаласи ҳужжатларни анъанавий усулда (қоғозда) сақлаш учун бўш жой этишмаслиги, электрон массивлар учун эса захира массивлардаги бўш ахборот майдонларининг тез тўлиб қолиши. Бу айниқса миграция қилингандан кейин яққол сезилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб юқоридаги ҳолатни инобатга олган ҳолда кейинги даврлардаги архив ҳужжатларини сақланишида ҳужжатлаштириладиган ахборотларнинг қандай турлари қоғоз шаклда, қандайлари ҳам қоғозда, ҳам электрон шаклда, ва қандайлари электрон шаклда яратилиши кераклигини белгилаб олиниши лозим. Бу усулни самарали қўллаш нафақат қоғоз сарфини, балки бўш майдонларни салмоқли даражада тежаш имконини беради. Бунга ёрқин мисол сифатида 2024 йилнинг январидан бошлаб республикамызда касаллик варақаларини тўлиқ электрон шаклда юритилишини жорий этилишини кўрсатишимиз мумкин. Шубҳасиз бу янги ёндошув нафақат қоғоз сарфи ва идоравий архивлардаги бўш ер майдонларини, балки молиявий ресурсларни ҳам жиддий тежаш имконини беради.

Ушбуларни инобатга олган ҳолда мазкур тадқиқот доирасида анъанавий (қоғозли) асосда ва электрон шаклда яратилиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг таснифлагичи ишлаб чиқилди. Таснифлагич қамровига олинган ҳужжатлар тегишли бўлимлар ва параграфларда акс эттирилган. Ҳар бир аниқ ҳужжат ўзига тегишли тартиб рақамдаги моддага эга.

Ҳужжатлар алоҳида жадвал шаклида берилган бўлиб, анъанавий тарзда қўлланилган Намунавий рўйхат жадвалига қўшимча равишда 4 та маълумотлар устунига янги тартибда тавсия этилаётган 5 та қўшимча (жами 9 та) маълумотлар устунлари киритилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари фаолиятида тузиладиган бошқарув ҳужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган намунавий таснифлагич*

Модда №	Ҳужжатлар турлари	Сақлов муддати		Оралик экспертиза муддати	Миграция қилиш даври	Захиралаш усули	Изоҳ	Ахборот ташувчининг тури (жисмоний асос)
		Идоравий	Архив					
1	2	3	4	5	6	7	8	9

1– Таснифлагичдаги тегишли модданинг тартиб рақами;

2– Таснифлагич таркибига олинган ҳужжатларнинг турлари (масалан: Бошқарув тизимини ташкил этиш, Фаолиятни режалаштириш, Молиялаштириш, солиқлаштириш, кредитлаштириш ва хоказо).

3 ва 4- Ҳужжатларнинг ўрнатилган тартибда белгиланган сақлов муддатлари:

5- Ҳужжатлар устида қимматлилик экспертизасини ўтказиш даври;

6- Ҳужжатни (электрон образларини) бошқа асосга миграция қилиш даври;

7- Ҳужжатнинг (асосан электрон ҳужжатнинг) ёки массив базаларининг бошқа ахборот маконида захира (резерв) базасини шакллантириш усули (бошқа электрон ахборот

ташувчи воситаларда, электрон массив базаларида, захира маълумотлар серверида, Дата марказларда)

8- Хужжат давлат ёки нодавлат архивига топширилгандан сўнг.

1-7 устунларга изох (жоиз бўлганда тушунча).

*) – мазкур жадвал тавсиявий шаклда берилган

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Архив иши тўғрисида” 2010 йил 15 июнь, ЎРҚ-252-сон. <https://lex.uz/acts/1645540>
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Электрон хужжат айланиши тўғрисида” 29.04.2004й. №611-II. <https://lex.uz/docs/165079>
5. Abdushukur Abdullaev; Abdusobir Saidov; Anvarjon Aliev Problematic Issues of Providing Validity and Optimization of the Exchange of Archival Information Based on Blockchain Technology
6. Алиев А.О. Анализ состояния и проблем разработки и внедрения электронных архивов системы управления архивным делом Республики Узбекистан. Infolib №3 2020 (ISSN 2181-8207) Тошкент., -28-33-б.
7. Google запустила сервис по проверке достоверности новостей //-2017. URL: <https://tass.ru/obschestvo/4163395>
8. Иноземцев В. Л. Современное постиндустриальное общество: природа, противоречия, перспективы. — М.: Логос, 2000. —Б. 304.
9. Кузнецов И.Н. Информация: сбор, защита, анализ // Учебник по информационно-аналитической работе. М.: Яуза -2001. 117-бет
10. Goodfellow, Ian (28 April 2020). "Chapter 21: Deep Learning". Artificial intelligence: a modern approach (PDF). By Russell, Stuart J.; Norvig, Peter (Fourth ed.). Hoboken, NJ: Pearson. ISBN 978-0134610993.
11. Ян Лекун. Как учится машина. Революция в области нейронных сетей и глубокого обучения. (Библиотека Сбера: Искусственный интеллект). — М.: Альпина нон-фикшн, 2021. — ISBN 978-5-907394-29-2